

**№ \_\_\_\_ - СОНЛИ  
КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ  
(ИПОТЕКА)**

Тошкент ш.

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ, бундан буён “Қарз берувчи” деб аталувчи, \_\_\_\_\_ асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ шахсида, биринчи томондан ва \_\_\_\_\_, «Қарздор» деб аталувчи, паспорт асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ шахсида, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 Қарз берувчи Қарздорга ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кредит беришни ўз зиммасига олади, Қарздор эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

**2. КРЕДИТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. Кредит фақат Қарздор ушбу шартномада назарда тутилган шартларни бажаргандан сўнг ушбу шартнома кучга киргандан кейин берилади.

2.2. Кредитнинг объекти ва мақсади: \_\_\_\_\_ шаҳар \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ қўчаси, \_\_-уй \_\_\_\_\_-хонадон манзилидаги хонадонни сотиб олиш учун, бундан буён матнда Кредит объекти деб номланади.

2.3. Кредит объектининг умумий қиймати \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

2.4. Ушбу шартнома бўйича кредит миқдори \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

2.5. Кредит объекти қийматининг камида \_\_\_\_% миқдоридаги суммани Қарздор БАНҚдаги \_\_\_\_\_ ҳисоб варағига ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди ва ушбу сумма \_\_\_\_\_ ҳисоб варағига ўтказилади.

2.6. Кредит фақат Қарздор ушбу шартноманинг 2.5-бандида назарда тутилган тўлов ҳужжатлари ижро этилгандан кейин Қарздорнинг \_\_\_\_\_ кредит ҳисоб варағи орқали берилади.

2.7. Кредит ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ ой муддатга берилади.

2.8. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари ўзгармас бўлиб, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

2.8.1. муддатли қарз учун – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) % йилига.

2.8.2. муддати ўтган қарз бўйича – \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) % йилига.

Фоизлар қарзнинг ҳақиқий қолдиғи бўйича йилига 365 кун ҳисобидан ҳисобланади.

2.9 Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш \_\_\_\_\_ (дифференциал ёки аннуитет) усулида амалга оширилади.

**3. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАР**

3.1. Кредит ва фоизлар Қарздор томонидан ушбу шартномага илова ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган кредит ва фоизларни қайтариш жадвалига (бундан буён матнда "Жадвал" деб юритилади) мувофиқ ҳар ойда, белгиланган муддатларда ва миқдорларда қайтарилади. Шу билан бирга, Қарздор операцион кун бошида жадвалда кўрсатилган миқдордаги маблағни қайтариш учун ҳисобида етарли маблағларга эга бўлиши керак.

3.2. Графикда кўрсатилган фоиз суммалари истикболдаги суммалар ҳисобланади. Агар кредитни ўзлаштириш саналари ёки асосий қарз ҳақиқатдан қайтарилган саналар Жадвалга мос келмаса, ҳақиқатдан ҳисобланадиган фоиз суммалари жадвалда кўрсатилган суммалардан фарқ қилиши мумкин, (яъни, асосий қарз бўйича тўловлар муддатидан олдин ёки муддатидан кечиктирилиб ва бошқа ҳолларда амалга оширилади).

3.3. Кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, асосий қарздан олдин тўланади.

3.4. Агар кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтариш санаси банк иш куни бўлмаса, тўлов кейинги банк иш кунига кўчирилади.

3.5. Кредит ва фоизларни муддатидан аввал қайтариш қарз олувчининг ёзма аризаси асосида амалга оширилиб, унда асосий қарз ва (ёки) фоизлар қандай миқдорда қайтарилиши кўрсатилади. Қарз олувчининг аризаси мавжуд бўлмаса, қарз олувчидан жорий тўлов учун маблағларни жадвалда кўзда тутилган миқдордан кўп миқдорда кредит бўйича маблағлар келиб тушса, Қарз берувчи олинган маблағларнинг ортиқча қисмини кредит бўйича асосий қарзни қайтариш учун йўналтирилади.

3.6. Қарз берувчи ушбу шартнома бўйича қарзни ундириш учун суд органларига мурожаат қилган тақдирда, қарзни ундириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб, асосий қарзнинг муддатидан олдин ундириладиган суммасига фоизлар, суд қарори қабул қилинган вақтда амалда бўлган, бундай кредит турларига қўлланиладиган " Ziraat Bank Uzbekistan" АЖ базавий ставкаси бўйича ҳисобланади. Агар ушбу шартнома бўйича кредитдан фойдаланилганлик учун фоиз ставкаси суд қарори чиқарилган пайтдаги базавий ставкадан юқори бўлса, асосий қарзнинг қоплаб берилмаган суммасига фоизлар ушбу шартноманинг 2.8.1-бандида белгиланган ставка бўйича, барча қарзларнинг тўлиқ қайтарилгунга қадар ҳисоблаб чиқилади. Муддати ўтган асосий қарз бўйича фоизлар бутун муддати ўтган қарзлар тўлиқ қайтарилгунга қадар мазкур шартноманинг 2.8.2-бандида кўрсатилган ставка бўйича ҳисобланади.

3.7. Агар қарз олувчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини қайтариш учун маблағлари етарли бўлмаса, қарз қуйидаги тартибда қайтарилади:

3.7.1. биринчи навбатда - ушбу шартнома шартларини бузганлик учун неустойка (пенялар ва жарималар);

- иккинчи навбатда – қоплаш муддати етиб келган ёки муддати ўтган фоизлар;
- учинчи навбатда - қоплаш муддати етиб келган ёки муддати ўтиб кетган асосий қарз;
- тўртинчи навбатда - суд харажатлари ва Қарз берувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3.7.2. Кредит муддатидан аввал ундириладиган тақдирда, тўловни қоплаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- биринчи навбатда – ушбу шартноманинг 3.7.1-бандида назарда тутилган тартибда барча муддати ўтган тўловлар;
- иккинчи навбатда - муддатидан олдин ундириладиган асосий қарз суммаси.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1 Қарз берувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Қарз олувчига ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида кредит бериш;

4.1.2. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан аввал қайтаришга қабул қилиш;

4.1.3. Қарз олувчининг кредит суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш учун олинган маблағларни тўловларини қайтариш жадвалига мувофиқ қабул қилиш;

4.1.4. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар муддатидан аввал ундирилган тақдирда (ушбу шартноманинг 5.1.6-моддаси) - қарз олувчининг кредитини муддатидан аввал ундириш фактлари ва сабаблари ҳақида ёзма равишда хабардор қилиш;

4.1.5. Кредитлаш амалга оширилганда кредит муносабатларининг иқтисодий манфаатлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда виждонийлик, шаффофлик, ишончлилик, ҳамкорлик тамойилларига риоя қилиш;

4.1.6. Ушбу шартнома бўйича муддати ўтган қарз юзага келган тақдирда, муддати ўтган қарз юзага келган кундан бошлаб 7 (етти) календар кун ичида, ушбу шартноманинг 11-бандида

назарда тутилган алоқа усулларидадан фойдаланган ҳолда, тўлов жадвали илова қилинган ҳолда муддати ўтган қарзнинг юзага келганлиги тўғрисида қарз олувчига хабар бериш.

4.2 Қарздор қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 4.2.1 Кредитлаш тамойилларига риоя қилиш: муддатлилик, қайтаришлик, мақсадлилик хусусияти, тўловчанлик, таъминланганлик;
- 4.2.2. Кредит таъминотини бериш ва уни ушбу шартноманинг 6-бўлими талабларига, мувофиқ расмийлаштириш;
- 4.2.3. Кредитдан ушбу шартномада кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланишни таъминлаш;
- 4.2.4. Қарз берувчи ва Қарздор ўртасида келишиладиган мақсадли текширувлар ўтказиш учун Қарз берувчининг ходимларига кредит объектига кўздан кечиришга рухсат бериш;
- 4.2.5. Олинган кредитни тўлиқ қайтариш ва у бўйича фоизларни ушбу шартнома ва жадвалга мувофиқ кўрсатилган миқдорда ва муддатларда тўлаш;
- 4.2.6. Кредитдан ушбу шартномада кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланишни таъминлаш;
- 4.2.7. Қарз берувчи ходимларига мониторинг ўтказиш учун гаров объекти биноларига киришга рухсат бериш;
- 4.2.8. Турар-жой, иш жойи, фамилияси ёки исми, бошқа маълумотлар ва ҳолатлар ўзгарган ҳолатда, ўзгаришлар юз берган пайтдан эътиборан 3 календарь куни мобайнида Кредиторга маълум қилиш;
- 4.2.9. Ушбу орқали Қарз олувчи мазкур Шартнома шартларига асосан асосий қарз, фоизлар, комиссиялар ва/ёки кредит бўйича бошқа тўловлар муддати бошланганида Кредиторга Қарз олувчининг Банк(лар)даги ҳар қандай ҳисобварақларидан маблағларни сўзсиз чегириб олиш акцептсиз, муқаррар ва қайтариб олинмайдиган ҳуқуқини беради;
- 4.2.10. Ушбу орқали Қарз олувчи мазкур Шартноманинг 3.6-бандида кўрсатилган факт бошланганида Кредитор томонидан ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўловига ўз розилигини билдиради ва Кредитор талаблари бўйича барча ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш мажбуриятини олади. Кредиторнинг ҳисоблаб ёзилган фоизлар даври ва аниқ суммаси кўрсатилган талабномаси ушбу фоизларни тўлаш учун асос ҳисобланади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1 Қарз берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.1.1. Қарздор ҳужжатлар рўйхати тўлиқ тақдим қилинмаганда ёки бу шартномада назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширмаган бўлса, кредит беришни рад этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган асослар мавжуд бўлса, ҳар қандай санкциялар халқаро талаблар, олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда, рад этиш ёки кредит бериш, шу жумладан, ҳисоб амалга оширилаётган операцияларни тўхтатиб ва/ёки блоклаш, маблағлар ва бошқа мол-мулк музлатиб қўйиш;
- 5.1.2. Гаровга қўйувчи томонидан тақдим этилган гаровга қўйилган мол-мулк учун белгиланган тартибда гаров реестрига ёзувлар киритиш;
- 5.1.3 Кредитдан фойдаланиш чоғида Қарздорнинг молиявий ҳолати, кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини ва унинг таъминотини текшириш;
- 5.1.4. Ҳар доим ва у билан белгиланадиган шаклда ушбу шартнома бўйича гаров объекти мониторингини амалга ошириш. Мониторинг жараёнида Қарз берувчи гаров объектини сақлаш, техник хизмат кўрсатиш, мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлиги ва ҳ.к. барча зарурий шарт-шароитлари билан танишиб чиқишга ҳақли;
- 5.1.5. Қарздор томонидан кредит ва унга фоиз тўлаш шартлари бузилган тақдирда, жадвалига мувофиқ, Қарз берувчига ушбу шартнома бўйича ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган суммаларни Қарздорнинг ҳар қандай ҳисоб рақамидан, ушбу шартномага биноан низосиз (акцептсиз) тартибда кўрсатиб ўтилган суммалар ва бошқа тўловларни ҳисобдан чиқариш, Қарздор эса бу билан Қарз берувчига акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради;
- 5.1.6. Қарздорнинг молиявий вазият ёмонлашган тақдирда, шунингдек кредитдан бошқа мақсадлар учун фойдаланилган, банк назоратидан бош тортган, жадвалга мувофиқ кредит суммаси ва фоизларни тўлаш муддатлари бузилган, ҳамда бошқа ҳолларда, агар берилган кредит

турли сабабларга кўра таъминланмаган ёки Қарздор ушбу шартноманинг бошқа шартларини бажармаган бошқа ҳолларда кредит суммаси ва фоизларни муддатидан аввал ундириш;

5.1.7. Агар Қарздор ушбу шартнома бўйича (шу жумладан муддатидан олдин ундириладиган) қарзни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса, ундирувни таъминотга, шу жумладан Қарздорнинг ушбу шартномада кўрсатилган гаров, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда гаровга қўйилмаган бошқа мол-мулкка қаратиш;

5.1.8. Мустақил равишда ўз хоҳишига кўра ундирувни, шартноманинг 6-бўлимида кўрсатилган гаров, шунингдек, Қарздорнинг ушбу шартномада кўрсатилмаган бошқа мол-мулкка алоҳида ва/ёки барчасига қаратиш;

5.1.9. Агар Қарздор суғурта полиси учун ёки уни узайтириш учун суғурта мукофотини ихтиёрий равишда туламаса, Қарз берувчи суғурта мукофотини тўлаш ва уни, шу жумладан ушбу кредит шартномаси бўйича Қарз берувчининг барча мавжуд ҳисобларидан тўланган суммани акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш йўли билан Қарздордан ундириш.

5.2. Қарздор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. Кредитни ва қайтариш кунда унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариш, муддатидан олдин қайтариш учун жарималарни тўламаган ҳолда;

5.1.2. Қарздор маблағларни олган пайтга қадар ёки Қарз берувчига кредит маблағлари учун тўлов топширилгунга қадар бепул асосда кредит олишни рад этиш;

5.1.3. Ҳар ойда бир марта кредит (қарз қолдиғи, ҳисобланган ва тўланган фоизлар суммаси ва бошқалар.) бўйича зарур маълумотлар олиш;

5.1.4. Қарздор томонидан тасдиқланган Кредит шартномаси, кредит олиш учун ариза ва кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини тўлов тўламаган ҳолда (лекин бир мартадан ортиқ эмас), шунингдек ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек Қарз берувчи томонидан ҳужжатларнинг тўлиқ ижросини тасдиқлайдиган ҳужжатни олиш.

## 6. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ

6.1. Қарздор ўзига олган мажбуриятларининг тегишли тарзда ижроси таъминоти сифатида, Қарздорга мулкчилик ҳуқуқи \_\_\_\_\_ асосида тегишли бўлган, \_\_\_\_\_ манзилида жойлашган, харид қилинаётган кўчмас мулкни \_\_\_\_\_.20\_\_ йилдаги Объект гаров қийматини келишиш далолатномасига биноан, келишилган гаров қиймати бўйича гаровга тақдим этиш мажбуриятига эга.

6.2. Ушбу шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган мулк гарови шартномаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нотариал идорада расмийлаштирилади ва тасдиқланади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтади. Ушбу ҳаракатлар билан боғлиқ барча харажатлар Қарздор ҳисобидан амалга оширилади.

6.3. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш харажатлари Қарздор томонидан тўлиқ тўланади Бунда гаров объекти гаровга қўйилган объект қийматини тасдиқлаш далолатномасида кўрсатилган суммага, ушбу шартнома бўйича Қарздор мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар бўлган муддатга суғурта қилиниши керак. Суғурта шартномаси суғурта компанияси, Қарз берувчи, Қарздор ва гаровга берувчи ўртасида (Агар Қарздор гаровга қўйувчи бўлмаса) тузилиши керак. Қарз берувчининг бенефициар бўлиши шарти Суғурта шартномасининг мажбурий шарти ҳисобланади. Суғурта компаниясини танлаш Қарздор томонидан амалга оширилади.

6.4. Агар суғурта полисининг амал қилиш муддати ўтиб кетган бўлиб, бироқ Қарздор ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаган тақдирда, Қарздор бажарилмаган мажбурият суммасига қўйилган мулк учун суғурта полисининг амал қилиш муддатини ўз маблағлари ҳисобига узайтириш мажбуриятига эга.

6.5. Ушбу шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган гаровга қўйилган мулкни навбатдаги гаровга қўйиш фақат Қарз берувчининг ёзма розилиги билан рухсат этилади.

6.6. Қарз берувчи олдида мавжуд бўлган қарзни қайтариш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда ушбу шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган мулкни томонлар

ўртасида \_\_ \_\_ \_\_ .20\_\_ йилдаги гаров Обьекти қийматини келишиш далолатномасида кўрсатилган келишилган қиймат миқдори бошланғич нарх ҳисобланади.

6.7. Қарздор ушбу шартнома бўйича бошқа гаров турлари мавжудлигидан қатъий назар, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ундирувни Қарз берувчига гаров предмети, шунингдек бошқа мулк қаратиш бўйича ҳуқуқини беради.

6.8. Қарздор ушбу шартноманинг 6.2-бандида кўрсатилган таъминотни кредит беришдан олдин Қарз берувчига тақдим этишни ўз зиммасига олади.

6.9. Агар бирон-бир сабабга кўра, Кредитор кредит таъминланмаган деб ҳисобласа, Қарз олувчи Кредиторнинг ёзма талабига асосан унинг томонидан кўрсатилган муддатда Кредиторга бошқа таъминотни (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва суғурталанган кафиллик, кредитни сўндирмаслик хавфи суғурта полиси, мулк гарови ва ҳ.к.) тақдим қилиши шарт. Қарз олувчи томонидан таклиф қилинган таъминотни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор Кредитор томонидан қабул қилинади. Қарз олувчи томонидан Кредиторнинг янги таъминотни тақдим қилиш тўғрисидаги ёзма талаби бажарилмаган ҳолатда, кредит Кредиторга тегишли фоизлар билан бирга муддатдан олдин ундирилади.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартномада белгиланган шартлар бажарилган ҳолда кредит асосиз равишда тақдим қилинмаган, охиригача тақдим қилинмаган ёхуд ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолатда, Кредитор Қарз олувчига тақдим қилинмаган сумма тўлиқ берилгунгача ҳар бир муддати кечиктирилган кун учун 0,01% миқдорида, бироқ тўлов муддати кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Қарз олувчи томонидан кредит бериш учун тўлов ҳужжатлари ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолатда Кредитор жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Қарз берувчи учун ўз мажбуриятларини Қарздор томонидан тўлиқ бажарилмаганида ёки тегишли тарзда бажарилмаган тақдирда, Қарздор суд ҳуқуқий ёрдам ва вакиллик таъминлаш муносабати билан Қарз берувчи етказилган зарар ва харажатларини қоплаш ва суд харажатларини (давлат тўловлари, почта ва бошқалар) тўлаши лозим.

7.3. Қарздор кредит олиш ва ундан фойдаланиш учун тақдим етилган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.

7.4. Қарздор қарзни ва унга бўлган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши, шунингдек қарзни ва Қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки нотўғри бажарилиши оқибатида Қарз берувчининг бошқа зарарларни ундириш бўйича қонуний харажатларни қоплаш учун барча мулки билан Қарз берувчи олдида жавобгар бўлади.

7.5. Қарздор томонидан ушбу шартноманинг боғланиш реқвизитларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот тақдим этмаган ёки ўз вақтида тақдим этмаган тақдирда, Қарз берувчи юборилган маълумотларнинг учинчи шахсларга тақдим этилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича Тарафлар ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёки унинг талқини билан боғлиқ барча низоларни дўстона ҳал қилиш учун барча ҳаракатларни амалга оширадилар.

8.2. Ихтиёрий ҳал этилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай низолар ушбу шартнома бўйича тарафлардан бирортасига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Қарз берувчи манзили жойлашган жойда Ўзбекистон Республикаси судларида кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган тартибда тақдим этилиши мумкин.

## **9. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Ушбу шартнома Тарафлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб кучга киради.

9.2. Ушбу шартноманинг муддати - кучга кирган кундан бошлаб томонларнинг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.



## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 10.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилган тақдирдагина кучга эга бўлади.
- 10.2. Ушбу шартномани имзолаш орқали Қарздор кредитнинг тўлиқ қиймати билан танишиб чиққанлигини ва рози эканлигини тасдиқлайди.
- 10.3. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шарҳланади ва ижро этилади.
- 10.4. Мазкур шартнома ўзбек тилида тузилган ва ҳар бир саҳифада тасдиқланади.
- 10.5. Юқоридагиларга гувоҳ бўлган ва ушбу шартноманинг барча шартларига рози бўлган Тарафлар ушбу шартномани ваколатли шахслар томонидан ҳар бири бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада ( ҳар бири томонларга бир нусхадан) имзоланди.

## 11. БАНҚДАН ХАБАРНОМАЛАР (БИЛДИРИШНОМАЛАР) ОЛИШ УЧУН ҚАРЗДОР БИЛАН БОҒЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ

11.1. Хабарномалар (билдиришномалар) Қарздорга шахсан, шунингдек почта ёки электрон алоқа ва бошқа алоқа каналлари орқали етказилиши мумкин. Хабарномани (билдиришномани) олиш усули Қарздор томонидан танланади ва ушбу шартноманинг 11.2-бандида кўрсатилади.

11.2. Хабарномани (билдиришномани) олиш учун восита ёки усулни танлаш:

- Почта манзили: \_\_\_\_\_
- E-mail манзили: \_\_\_\_\_
- тел. \_\_\_\_\_
- бошқа боғланиш каналлари \_\_\_\_\_
- шахсан \_\_\_\_\_

11.3. Қарздор шахсий кўриниш ёки почта орқали Банкка ёзма ариза бериш йўли билан хабарнома (билдиришнома) етказиб бериш усулини ўзгартиришга ҳақли. Хабарнома (билдиришнома)ни Қарздорга етказиш усулининг ўзгарганлиги муносабати билан ушбу шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб қилинмайди.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

ҚАРЗ БЕРУВЧИ	ҚАРЗДОР
<p>_____</p> <p><b>“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ</b></p> <p>манзили: _____</p> <p>К/с № _____</p> <p>МФО коди № _____ ; СТИР _____</p> <p>тел. _____, факс _____</p> <p>(лавозими) _____</p> <p><b>Ф.И.О.</b> _____</p> <p><b>Бош бухгалтер</b></p> <p>_____</p>	<p><b>ФИО</b> _____</p> <p>манзили: _____</p> <p><b>СТИР</b> _____</p> <p><b>Паспорт маълумотлари:</b></p> <p>Серия _____ № _____</p> <p><b>Ким томонидан берилган</b></p> <p>_____</p> <p><b>Қачон берилган</b> _____</p> <p>тел.: _____</p> <p><b>электрон почта:</b> _____</p> <p><b>Шартнома шартлари билан танишдим ва розиман.</b></p> <p>_____</p> <p><b>ФИО</b> _____ <b>ИМЗО</b> _____</p>